

ор

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 28 февраль • №8 (1289)

Йиғилиш

ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИ ВА КЎЛАМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунларидан тинчлик ва соғлиқни таъминлашни ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгиланган эди. Ўтган йилларда бу борада улкан ислохотлар амалга оширилди.

2018 йил 7 декабрдаги Президент фармонида мувофиқ, 2019-2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди. Барча ҳудудларда шифохоналар бунёд этилиб, замонавий жиҳозланмоқда. Давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

Одамлар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган ахлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан қарийб 2 мингга етказилди ва аҳолига янада яқинлаштирилди.

Ихтисослашган автомашиналар парки янгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида соҳадаги ислохотларни давом эттириб, тиббий хизмат сифатини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, адолат ва рақобатни таъминлаш бўйича ўз мулоҳазаларини баён этган эди.

Бугунги йиғилишда ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокاما қилинди.

Аввало, ихтисослашган тиббий ёрдам сифати ва кўламини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар шифокор тўғри келмоқда. Маҳаллий тиббиёт ходимлари кўникмасини оширишга эътибор қаратилмаяпти. Ихтисослашган марказ ва ҳудудий муассаса ўртасида вертикал тизим шакллانмаган.

Даволаниш учун ордер бериш тизимида ижтимоий адолат таъминланмаётгани, бу жараёнда фақат давлат муассасалари

иштирок этиши рақобатни чеклаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис ордер бериш тизимини такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими танқидий таҳлил этилди. 20-30 фоиз маблаг самарасиз сарфланганга кўрсатиб ўтилди. Юртимизда бирламчи тиббий-санитария учун ажратилган маблаг ўлуши 35-40 фоизни ташкил этади. Хорижда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади.

Давлат ва хусусий тиббиёт учун тенг шарт-шароит, рақобат муҳити яратилмаган. Молиялаштиришда электрон тизимнинг йўқлиги маблаглар унумдорлигини таҳлил қилиш имконини бермаяпти.

Соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш, мажбурий тиббий суғуртага оид қонунлар қабул қилиб, уни босқичма-босқич жорий этиш муҳимлиги айтилди.

Қадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Масалан, фақат 12 та олий таълим муассасаси узлуksиз касбий малака ошириш ҳуқуқига эга. Ҳозирда 50 фоиз шифокор малака ошириш билан қамраб олинмаган.

Шу боис мазкур тизимни қайта кўриб чиқиш, бу борадаги қамровни кенгайтириш, малака ошириш курсларини Қорақалпоғис-

тон ва вилоятлар марказларида ташкил этиб, мутахассисларга қўлайлик яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Эскича услубда қолиб кетган тиббиёт коллежалари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этиб, дарс ва амалиётни замон талаблари асосида ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари бюрократик тузилма бўлиб қолгани, ҳудудий даражада касалликларни таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари айна пайтда марказий шифохона бош шифокори бўлгани сабабли вақти ва маблагнинг асосий қисмини касалликларни даволашга сарфламоқда.

Давлатимиз раҳбари касалликлар профилактикаси масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бошқарув идоралари ишини айнан шунга йўналтириш лозимлигини таъкидлади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўри овқатланиш ва пиёда юришнинг саломатликка фойдасини тарғиб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказди.

Ў.А.

Ўзбекистон – Туркия

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК



Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов ташрифнинг Ўзбекистон тиббиётини ривожлантиришдаги ўрни, тузилган шартномалар, коронавирус ва тизимдаги коррупция масалалари бўйича саволларга жавоб қайтарди.

– Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг илк йиғилишида ва президентнинг турк тадбиркорлари билан учрашувида кўпгина ҳужжатлар имзоланди. Булар орасида тиббиётимиз ривожига ҳисса қўшадиган қандай келишувлар бор?

– Айтишим керак бўлган биринчи масала: Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бир неча шартномалар имзоладик. Шунингдек, келгусида биргаликда қилинадиган ишлар учун йўл харитасини тасдиқлаб олдик. Шу билан бирга, Туркия тиббиётини қўллаётган энг илғор технологияларни Ўзбекистонга ҳам олиб келиш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказдик. Тан олиб айтиш керакки, бугунги кунда тиббий хизматни яхшилаш борасида ўтказилган ислохотлар тезкорлиги бўйича Туркия ҳаҳонда энг илғорлардан бири. Масалан, Францияда тиббиётдаги ислохот, тиббий суғуртани жорий қилиш масалалари 60 йил, Жанубий Кореяда эса 40 йил давом этган. Бу ислохотлар

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

ТИББИЁТ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ САҲИФА



Тошкент тиббиёт академияси энди «Европа тиббиёт мактаблари» уюшмасининг тўлақонли аъзоси. Бу ҳақда жорий йилнинг 25 февраль куни академияда хорижий ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган кўшма «Таълим форуми»да маълум қилинди.

Тадбирда «Европа тиббиёт мактаблари» уюшмаси вице-президенти ва Вильнюс университети делегациясидан иборат литвалик мутахассислар ҳам иштирок этди.

Маълумот ўрнида: Айтиш керакки, Вильнюс университети Европада энг қадимий ва нуфузли университетлардан бирidir. У 1579 йилда ташкил этилган. Айна пайтда университет Европа Иттифоқида тиббий таълим ва илм-фан йўналишида етакчи муассасалардан бири ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон – Туркия

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК

айнан Туркияда жуда қисқа муддатда ўтказилди – 10 йил. Туркияда аҳолининг тиббий ёрдам билан қамрови ҳозир дەرли тўла таъминланган. Кўрсатилган тиббий хизматнинг сифат даражаси эса бу йўналишдаги ишларга ўзига хос жозиба бериб туради. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам тиббиётдаги бошқарув, тиббиётни молиялаштириш, сўғурта, ундаги илмни ва соҳада кадрлар тайёрлаш тажрибасини ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ўзаро келишувларимиз мана шу мақсадга хизмат қилиши керак.

– Қандай амалий келишувларга эришилганини айта оласизми?

– Биз соҳада сифатли кадрлар тайёрлаш бўйича Туркиянинг бир неча университетлари билан музокаралар ўтказдик. Масалан, Саломатлик билимлари университети. Бу – Туркияда соғлиқни сақлашга ихтисослашган ягона университет ҳисобланади. Биз 2019 йилда Бухоро тиббиёт институтида Туркия билан ҳамкорликдаги иккита кўшма лойиҳани амалга оширган эдик. Лойиҳа бўйича абитуриентларни қабул қилиб ўқитиш жараёнлари ҳам бошланди. Бу биринчи қадам бўлган. Биз шунга ўхшаш лойиҳаларни кенгайтирмоқчимиз. Амалий ишлардан яна бири – Туркияда олий таълим муассасалари рейтингда юқори ўринда турувчи Медипол университети билан ҳамкорлик масаласи бўлди. Ўзбекистонда шу университет филиалини очиб ва университет клиникасини ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Имзоланган ҳужжатлар орасида Туркиядаги йирик университет – “Баҳчишехир” (BAU) билан шартнома ҳам бор. Шу университет асосини ва раиси Анвар Южел билан музокара олиб бордик. Натижадан Ўзбекистонда шу универ-

(Давоми. Боши
1-бетда).

ситетнинг шифохонаси ва университетини очишга келишиб олинди. 2019 йил Термиз шаҳрида Туркиянинг “Канимед” компаниясининг лабораториясини очгандик. Бу замонавий юқори технологик лаборатория ҳисобланади. Ташриф давомида шундай лабораторияларни Наманган ва Андижон вилоятларида очиб бўйича келишув бўлди. Насиб бўлса, 2020 йилда бу лабораториялар ишга тушади. Биз ташриф давомида Туркиянинг “Канимед Сағлик Чўзумлари” компанияси билан биргаликда Урганч ва Термиз шаҳарларида замонавий она ва бола туруқ комплексларини очиб бўйича ҳам шартнома имзоланди. Бундан ташқари, Туркиянинг “Тек груп” компанияси билан биргаликда 7,5 миллион доллар турадиган Онкология марказини Тошкент шаҳрида очиб бўйича музокаралар олиб бордик. Унга кўра, шу йилнинг ўзида ҳамкорликдаги марказимиз фойдаланишга топширилади. Шу компаниянинг ўзи 2020 йилда водий вилоятларидан бирида ва Самарқанд шаҳрида биттадан Онкология марказини очиб ҳам келишиб олинди. Ташриф давомида “Дуңьгоз” компанияси билан ҳам келишувга эришдик. Бу компанияни дунё бўйлаб кўплаб тармоқ шифохоналари бор. Икки томонлама имзоланган шартномага кўра, “Дуңьгоз” Ўзбекистонда ўз тармоқларини очади. Тиббиёт соҳасида биз учун яна бир муҳим йўналиш бу аҳолини арзон ва сифатли доридармон билан таъминлаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, “Кўчак фарм” ва “Поли фарм” компаниялари билан шартнома имзоланди. Бу компаниялар асосий рўйхатга кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга эга дориларни ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга. Бу компаниялар умумий ҳисобда 700 дан ортик доридармонларни Туркия учун ишлаб чиқаради ва экспорт қилади. Эндиликда биз ушбу компаниялар билан онкологик ва гематологик касалликларда муҳим бўлган дориларни Ўзбекистонда ишлаб чиқарамиз. Бу икки ком-

пания шу ойнинг ўзида Ўзбекистонга келиб, биз кўрсатилган жойларда ишлаб чиқариш масалаларини ўрганиб чиқади.

– Охириги йилларда Ўзбекистонда шифокорлар танқислиги ортаб бормоқда. Вазирлик соҳада малакали шифокорлар сонини ошириш борисида аниқ дастурга эгамиз?

– Албатта. 2016 йилда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасининг ўзида 16 мингдан зиёд вақанциялар бор эди. Биз ўтган йиллар давомида бу вақанцияларни ёпишни бошладик. Буни қандай қилдик? Биринчидан, ўша пайтларда шифокорларимизнинг 1,3 ставкадан ортик ишлаши мумкин эмасди. Биз уларга 2 ставкагача ишлаши учун имконият бердик. Иккинчидан, олий таълим муассасаларида бакалавр босқичига қабулда ҳар йили 20 фойздан кўшимча бўляпти. Кўшимча абитуриентлар қабул қилинапти. Бундан ташқари, магистратура ва клиник ординатурага қабуллар кучайди. Биз ўтган 3 йил ичида 10 мингга яқин вақанцияларни ёпдик. Авваллари Молия вазирлиги тиббиётдаги бутун ставкаларни қирқиб ташларди. Эндиликда қўшиб беришни бошлади. Биз 20 мингдан ортик ставкаларни тикладик. Мана шунинг эвазига бизда вақанциялар пайдо бўлди. 2020 йил 1 февраль ҳолати бўйича 10 мингта вақанциямиз бор. Шундан 2 мингта умумий амалиёт шифокорларига ва 8 мингта тор доирадаги мутахассислар ҳиссасига тўри келади. Вазирлик томонидан бу бўйича янги қарор лойиҳаси тайёрланган. Қарорга мувофиқ, клиник ординатурадаги ўқишларни вилоятлар марказида ва вилоятлардаги кўп тармоқли шифохоналарида ҳам амалга оширишни йўлга қўямиз. Шунинг ҳисобига биз йилга қўшимча мингтадан кадрлар дефицитини қоплаш имкониятимиз мавжуд бўлади.

– Ўзбекистонда урта соҳани коррупциядан холи соҳаларга айлантириш бўйича ишлар бошланган. Улар орасида тиббиёт ҳам бор. Вазирлик тизимда коррупцияни қандай йўқотмоқчи?

– Бу бўйича бизда дастур мавжуд. Масалан, 2020 йилни соҳада коррупцияга қарши кураш йили деб эълон қилганмиз. 2019 йилдаги амалиётимизда биринчи бор хориждан сотиб олаётган ускуналаримизга 110 млн. доллар ажратилди. Бунда 27 млн. долларлик ўғрилиқни, коррупциянинг олдини олиб, пулларни иқтисод қилдик. Иккинчи қилинган пулларга эса бошқа жиҳозларни сотиб олишни йўлга қўйдик. Дори воситаларини сотиб олишдаги 83 млрд. сўмлик коррупциянинг олди олинди. Шифохоналар қуришдаги 81 млрд. сўмлик коррупциянинг олди олинди. Демак, бунга иродамиз ва хошимиз бўлса, курашсак, коррупцияни йўқотсак бўлар экан. Бу кураш 2020 йилда ҳам давом этади. Тизимдаги коррупция ҳолатларини ишга қабул қилишда ҳам давом этмоқда. Биз бу борада ҳам шаффофликни таъминлашга интиляймиз.

– Охириги вақтларда дунё бўйлаб катта шов-шувга сабаб бўлаётган коронавирусга Ўзбекистоннинг тайёр эмаслиги борасида кўп гапирилмоқда. Бу гаплар ҳаттоки АКШ давлат қотиби Майк Помпео томонидан ҳам айтилди. У Марказий Осиё давлатларига турнесидан кейин “Хитойнинг қўшилари бўлган Қозоғистон ва Ўзбекистон каби давлатларнинг инфратузилмаси вирусга қарши туришга тайёр эмас”, деди. Албатта, бу фикрлар бизга ёқмайди, лекин у аччиқ бўлса-да оғоҳлик кўнғиргои бўлиши керакдек. Наҳотки, Ўзбекистон бу борадаги хавфларни қабул қилишга тайёр эмас?

– Биринчи навбатда айтишим керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев коронавирусга қарши курашиш ва Ўзбекистонга кириб келишининг олдини олиш борисида алоҳида фармойишни имзолади. Фармойишга кўра, бош вазир раислигида факултада комиссия ташкил этилди. Ҳозирга қадар бу комиссиянинг бир неча бор йиғилишлари ўтказилди. Албатта, биз вирус кириб келишининг олдини олиш

борисида барча ишларни қиялғимиз. Сиз мамлакат нуфузи ҳақида гапирдингиз. Бу борада айтишни керакки, Хитой – дунёдаги иккинчи иқтисодиёт. Лекин касаллик эпидемияси айнан шу давлатда бош кўтариб турибди. Вирус энг ривожланган давлатларга ҳам кириб борапти, чунки бу ерда давлатнинг бой экани ҳеч нарсани белгилаб бермайди. Ҳаммаси кўриляётган чораларнинг қанчалик тўғрилиги ва самаралилиги билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда 12 та аэропортиимизда ва 5та темир йўл вокзаллари ва 53 та чегара пунктларидаги санитар карантин пунктларида назорат ишларини олиб бораётиш. Чегарадан ўтаётган беморларнинг тана ҳарорати кўтарилган ёки касаллик белгилари бор беморларни тезда ажратиб олиб, уларни карантинга юборяпмиз. Хабарингиз бор, Хитойдан 584 нафар фуқароимиз эвакуация қилинди. Уларнинг 82 нафари касаллик ўчоғидан олиб келинди. Уларни 14 кун давомида карантинда ушладик. Худого шукр, уларнинг ичида вирус билан зарарланганлар чикмади ва уларга жавоб бердик. Бугунги кунда олимлардан иборат штаб ва илмий кенгаш ташкил қилганмиз. Улар ҳар куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Хитой ва бошқа қўшни давлатлар билан алоқа ўрнатиб, тажрибаларни ўрганиб боришмоқда. Таълим муассасаларига ҳам вирусни аниқлаш ва унинг олдини олиш йўллари ҳақида кўрсатмалар берилган. Сиз менга муҳбир сифатида савол беряпсиз. Сизга ҳам шуни айтган бўлардимки, бу борада сизларнинг ҳам ўрнингиз катта. Бизда бу борада катта хавотир келиб чикмаслиги ҳамда тўғри йўл билан профилактик чораларни етказишимиз керак. Умуман, аҳолининг тиббий ва санитар маданиятини оширишда гап кўп. Бунда ҳамма биргаликда ишлаши керак.

Илёс САФАРОВ
сўхбатлашди.

Ҳамкорлик**ВАЗИРЛИКДА ТУРКИЯЛИК
МАСЛАХАТЧИ ФАОЛИЯТ БОШЛАЙДИ**

Жорий йил 19-20 февраль кунлари мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига ташрифи доирасида кўплаб соҳалар қатори, тиббиёт йўналишида ҳам муҳим ва тарихий келишувларга эришилди.

Жумладан, туркиялик мутахассис Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги маслаҳатчиси лавозимига тайинланган бўлди. У тиббиёт тизимининг ислох қилиш, молиявий менежмент, тиббий сўғурта, тизимда давлат хусусий шериклик, аўтсорсинг ва рақамлаштиришни жорий этиш масалаларида фаолият олиб боради.

Бундан ташқари, тиббиёт фанини янада ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш борисиди ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Бухоро давлат тиббиёт инсти-

тутида Туркиянинг нуфузли олий ўқув юрти билан ҳамкорликда халқаро факультет ташкил этилиб, 131 нафар талаба ўқишга қабул қилинган эди. Ҳозирда ҳам бундай кўшма таълим даргоҳларини кўпайтириш, худудларда тиббиёт даражасини янада ошириш ва аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббий туризмни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Жумладан, кадрлар тайёрлаш бўйича Туркиянинг қатор нуфузли таълим муассасалари, масалан, Саломатлик билимлари университети, Медипол университети ҳамда яна бир йирик –

“Баҳчишехир” (BAU) олий ўқув юртининг мамлакатимизда филиаллари ва клиникаларини ташкил этиш, улар билан кўплаб кўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бир қанча келишувларга эришилди.

Тиббиёт соҳасида биз учун яна бир муҳим йўналиш – аҳолини арзон ва сифатли доридармон билан таъминлаш янада яхшилаш мақсадида Туркиянинг “Кўчак фарм” ва “Поли фарм” компаниялари билан шартнома имзоланди. Келгусида ушбу компаниялар билан онкологик ва гематологик касалликларда муҳим бўлган дориларни юртимизда ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Диққат!**ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ФУҚАРОЛАРИМИЗНИ КОРОНАВИРУС
ХАВФА ИЮҚОРИЛИГИ БИЛАН ЖАДДИЙ
ОҒОҲЛАНТИРДИ**

Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари ва консуллик муассасалари берган маълумотга кўра, сўнгги кунларда дунёнинг қатор давлатларида COVID-19 корона вирусининг тарқалиши билан боғлиқ вазиятни оғирлашгани кузатилмақда.

Хитой Халқ Республикаси билан бир қаторда Корея Республикаси, Япония, Эрон, Италия ва баъзи бошқа давлатларда беморлар сони ортмоқда.


Хизмат, туризм ва бошқа мақсадларда хорижда чиқишни режалаштираётган ҳамюртларимиз сафардан олдин соғлиқлари учун таҳдидларни диққат билан ўйлаб қўришлари, мамлакатдаги эпидемиологик ҳолатни ўрганишлари ва сафар чоғида шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишлари, жамоавий тадбирларда иштирок этишдан тийилишлари, одамлар тўпланган жойларда барча эҳтиёткорлик чораларини кўришлари зарур.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ТИВ хорижда, жумладан коронавирус билан оғриган беморлар аниқланган давлатлар худудиди бўлиб турган мамлакатимиз фуқароларига зарур ҳолатларда Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига мурожаат қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтади.

**Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги.**

Эътироф

ТИББИЁТ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ САҲИФА



Форум аввалида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва таълим бош бошқармаси бошчилиги уқтам Исмоилов сўзга чиқиб, мамлакатимизда тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор, хусусан, соҳа тараққиётига хизмат қилувчи ёш кадрларни етиштириш, яъни олий тиббиёт таълим йўналишида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган фаолиятларга тўхталиб ўтди. Айниқса, Тошкент тиббиёт академиясида бу борада тизимли ишлар олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг, форум иштирокчиларига “Европа тиббиёт

либ, Тошкент тиббиёт академиясининг “Европа тиббиёт мактаблари” уюшмаси аъзолигига расман қабул қилинганлиги тўғрисидаги сертификат академия ректорига тантанали равишда тақдим этилди.

Тадбирда Президент қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган масала, яъни мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимига босқичма-босқич ўтказишга оид чоралар-тадбирлар бўйича Тошкент тиббиёт академияси ўқув жараёнини ҳам кредит-модул тизимига ўтказиш бўйича ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди. Шунга қўра, Вильнюс универ-

Маъмур фаолиятлар ва эришилаётган натижалар хусусида мутахассислар қуйидаги фикрларни билдиришди.

Лазиз ТҮЙЧИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор:

– Амалга оширилаётган маъмур фаолиятларимиз Президентимиз томонидан олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, халқаро университетлар билан алоқаларни кучайтириш, шу билан бирга, мавжуд ўқув дастурларимизни халқаро мезонларга мослаштириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган. Бундан асосий мақсад, кредит-модул тизимига ўтишдан иборат. Бугунги эришган натижаларимизни бу борадаги дастлабки муваффақиятли қадам дей-



сб ўтди. Таъриба катта. Албатта, бугун бизда бундай вақтнинг ўзи йўқ аммо маслақдош ва ҳар қандай кўмакка тайёр ишончли ҳам-

лаштириш боарсидаги амалий қадамдир.

Форум якунида томонлар ўртасида имзоланган шартнома-

Миндаугас ПАУЛЮКАС,
Вильнюс университети профессори:

– Айтишим керакки, Ўзбекистон ўз олдида мақсад қилиб қўйган жараёни биз бир неча йиллар давомида босиб ўтдик. Бироқ, бизни қувонтирадигани Тошкент тиббиёт академияси бу борада биздан ёрдам эмас ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. Табиийки, бу ҳар икки томон учун ҳам самарали бўлади.

Ушбу ҳамкорлик кенг имкониятлар яратади. Келгусида долзарб мавзуларда, жумладан, оналар ўлими, болаларнинг муддатидан олдин туғилиши сингари масалалар муҳокамасига бағишланган конференциялар ташкил қилинади. Бундан ташқари, аслида дунё бўйича долзарб аммо биз каби мамлакатингиз тиббиёти учун ҳам зарур ва алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган неврология, инфаркт, инсултьт кластерлари, шунингдек, генетика ҳамда акушерлик ва гинекология йўналишида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилади. Ишонаманки, биргаликдаги фаолиятларимиз орқали кўзлаган барча мақсадларимизга эришамиз. Бу борада, аввало, мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилади. Келгусида эса бу жараён талабалар ўртасида ҳам амалга оширилади.



Маълумот ўрнида:
Вильнюс университети Болтиқбўйи давлатлари ичида биринчилардан бўлиб ўқув жараёнини кредит-модул тизимига муваффақиятли ўтказиб, ўқув дастурларини Европа стандартларига мослаштирган. Уюшма шунингдек, Европадаги бош аккредитация ташкилотлари билан биргаликда тиббий таълим дастурларининг сифати ва Европадаги олий таълим ва Жаҳон тиббий таълим федерацияси стандартларига мувофиқлигини баҳолаш лойиҳаларини амалга оширади.



Алгирдас УТКУС,

“Европа тиббиёт мактаблари” уюшмасининг вице-президенти, Вильнюс университети тиббиёт факультети декани, профессор:

– Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим эмас. Ўтган йил ҳам мамлакатингизда бўлганман. Бугунги тадбир тафсилотлари ҳақида тўхталадиган бўлсам, ўзаро ҳамкорликдан юқори натижалар кутаямиз. Тошкент тиббиёт академиясининг “Европа тиббиёт мактаблари” уюшмасига аъзоликка қабул қилиниши унинг нуфузини Европа муассасалари билан тенглаштиради. Бу эса уюшма доирасида амалга оширилаётган ҳамкорликда академия ҳам иштирок этади дегани. Шундай экан, асосий мақса-



димиз келгуси фаолиятларда университетимиз ва академия ўртасида тор доирадаги ҳамкорликларни ҳам йўлга қўйиш. Бунинг учун тегишли келишувларга асосланган битим имзолаш эди ва бунга эришдик. Эндиликда кенг кўламда ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалар ўрнатилади. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз тиббиёт тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

мактаблари” уюшмаси фаолияти ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, Литва соғлиқни сақлаш вазирининг форум иштирокчиларига расмий табриги ўқиб эшиттири-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ситети ҳамда академия мутахассислари форум иштирокчилари эътиборига фаолиятларга оид тақдиротларини ҳавола қилди. Бир сўз билан айтганда, таълим форуми ҳар икки томон мутахассислари учун ўзаро фикр алмашиш майдонига айланди.

иш мумкин. “Европа тиббиёт мактаблари” уюшмасининг аъзолиги ва Вильнюс университети билан ҳамкорлик бунинг яққол исботидир. Савол туғилиши табиий, нега айнан Литва ва Вильнюс университети? Айтиш керакки, ушбу ҳамкор мутахассислар бу жараёни 25 йил давомида муваффақиятли бо-

корларимиз бор. Имзоланган ҳамкорлик ҳужжати доирасида эса дастлаб профессорлар алмашинуви йўлга қўйилади. Маъмур ҳамкорлик алоқалари натижасида келгусида талабалар алмашинуви ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, академиянинг халқаро майдонда нуфузли ташкилот ҳисобланувчи “Европа тиббиёт мактаблари” уюшмасига аъзо бўлиши нафақат мамлакатимиз тиббиёт тизими, балки, Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Боиси, ушбу жараён маҳаллий таълим дастурларининг сифатини ошириш ва уни илгор халқаро стандартларга мувофиқ-

га мувофиқ эса ҳамкорликда тиббий таълим сифатини ошириш лойиҳалари амалга оширилади.

Литва делегациясининг ташрифидоирасида бир қатор қўшма ўқув тадбирлар, ПТА ва Амалюс университети Илмий кенгашининг қўшма мажлиси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ва унинг вилоятлардаги филиалларида талабалар билан учрашувлар, университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан замонавий тиббиёт ютуқлари, илмфан, шунингдек, соҳа тараққиётига оид маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказилди. Қолаверса, бу каби фаолиятлар келгусида ҳам изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, форумда эътироф этилганидек маъмур ҳамкорлигининг амалга оширилиши мамлакатимизда тиббий таълим сифатини ҳар томонлама яхшилашга хизмат қилади. Колаверса, юртимиздаги барча тиббиёт олий таълим муассасаларининг халқаро интеграциясини халқаро даражага олиб чиқишда муҳим ўрин тутди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.
Суратлар: Тошкент тиббиёт академияси ахборот хизмати.

Халқаро анжуман

ЖАҲОННИНГ ТАНИҚЛИ АНЕСТЕЗИОЛОГ ВА
РЕАНИМАТОЛОГЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА ЖАМ БЎЛИШДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан "Анестезиология-реаниматология ва интенсив даволашда янги технологиялар" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани иш бошлади.

Унда Россия, АҚШ, Германия, Италия, Дания, Туркия, Швейцария, Беларусь, Украина, Қозоғистон каби қатор давлатларнинг таниқли мутахассислари иштирок этишмоқда. Ташкил этилган навбатдаги халқаро анжумандан мақсад анестезиология-реаниматология ва интенсив даволашда дунё тажрибаси, бу соҳадаги тиббиётнинг замонавий ютуқларини амалиётга кенг татбиқ этишдир. Ушбу халқаро форум тиббиёт муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш, анестезиолог-реаниматологларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илғор хорижий клиника ва олий тиббиёт муассасалари билан танишишига замин яратади. Анжуманда соҳадаги ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилмоқда. Унда етакчи хорижий мутахассисларнинг маърузалари, маҳорат сабоқлари, замонавий тиббий жиҳозлар кўргазмаси, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганчдаги шифохоналарда ма-

халлий ва хорижий мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ҳам бўлиб ўтади.



Анжуман давомида «Спорт тиббиёти амалиётидаги шошилинч ҳолатлар»га бағишланган секция ишлари ҳам ўтказилди. Унда 200 нафардан ортиқ мутахассис, жумладан, спорт тиббиёти шифокорлари, магистрлар ва кли-

ник ординаторлар иштирок этмоқда. Анжуманда биринчи марта ўрта тиббиёт ходимлари вакиллари – анестезиология ва реанимация хизматида фаолият кўрсатаётган 150 нафар ҳамшира ҳам фаол қатнашмоқда. Ўзро мулоқотларда соҳадаги энг долзарб масалалар, жумладан, ти-



гиалари, интенсив терапияда ва реанимация бўлимида беморлар учун озукавий ва метаболик қўллаб-қувватлаш, ҳаёт учун муҳим бўлган аъзоларни трансплантация қилишда анестезиологик қўлланма ва интенсив даволаш каби масалаларга эътибор қаратилди. Анжуманда ўтказилаётган тиббий амалиётларда ҳаётни қўллаб-қувватлашнинг замонавий технологияларига алоҳида эътибор берилди. Беҳушлик ва ҳаёт учун муҳим бўлган аъзоларни кўчириб ўтказиш, операциядан олдинги кузатув ва нафас олиш учун интен-

сив терапия бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

Иштирокчилар томонидан истиқболда анестезиология-реаниматология ва интенсив даволаш йўналишида улкан ва зифалар тургани қайд этилиб, бу борада муваффақиятга эълуксиз малака ошириш, таълим ва тажриба алмашиш орқали эришиш мумкинлиги эътироф этилди.

Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
Жамоатчилик билан
алоқалар бўлими.

Долзарб мавзу

ИМТИЁЗЛИ ОРДЕРЛАРНИ БЕРИШДА
ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНЯПТИМИ?

Имтиёзли тоифага кирувчи беморларга ордер бериш, уларни шифохонага жойлаштириш ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш масалалари бугун ҳар қачонгидан долзарб. Депутатларнинг фуқаролар билан учрашуварларида айнан ордер бериш, бу борадаги аҳоли эҳтиёжларини ўрганиш юзасидан айрим эътирозлар, муаммолар кўтарилаётгани ушбу ҳолатни чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда шу ҳафта сўз юритилиб, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишда мавжуд камчиликлар ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари кизгин муҳокама қилинди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мазкур масалалар бўйича мутахассислари томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Шу билан бирга, айрим муаммоларга тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига ордер беришга (сон) Ҳукуматнинг тегишли қароридан кўрсатилган фоизда маблағ ажратилмаяпти. Масалан, Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига режалаштирилган тиббий хизматлар учун 30 фоиз, шошилинч тиббий хизматлар учун 8 фоиз, лекин 2019 йил-

да 18 фоиз молиялаштирилган. Бу маблағ 1400 та ордерга етгани, холос. Эҳтиёж бўйича ўтган йил учун 2880 та стационар ордер керак бўлган. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказига молиялаштирилган маблағ 1439 та ордерга етган. Эҳтиёж бўйича 2019 йил учун 2448 та стационар ордер зарур бўлган.

Бундан ташқари, ўтган йилда ҳудудларда ўтказилган тиббий текширувларда имтиёзли гуруҳларда касалликларнинг аниқланиши натижасида ордерга бўлган эҳтиёж ҳам бир неча баробар ошган. Худудий тиббий танлов комиссиялари томонидан беморларни ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига нотўғри йўллаш ҳам муаммолардан бири саналади.

Йиғилишда республика илмий-амалий тиббиёт марказларига йўналтирилаётган имтиёзли тоифадаги беморларга бериладиган бепул йўланма (ордер)лар ажратилишида шаффофликни таъминлаш, узок муддатли навбат кутишларга барҳам

бериш, одамларнинг овозагарчиликларига чек қўйиш ва бунда кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш масалалари депутатлар диққат марказида бўлди.

Ордерни ҳар кимга ҳам эмас, балки айнан эҳтиёжманд фуқарога ажратилишига эришиш, бунда даволаниш учун ордер харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қопланиши ва унинг ижросини жамоатчилик асосида назоратга олишга эришиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, ордер ажратишни бир идора тасарруфидан чиқариш, барча юртдошларимиз очиклик таъминлиги асосида йўланмаларнинг ажратилишини кузатиб боришларини таъминлаш тизимини йўлга қўйиш тақлиф этилди.

– Имтиёзли ордерлар масаласи – жуда долзарб, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова. – Ўрганиш даврида аён бўлдики, Тошкент вилоятида аҳолининг ихтисослашган тиббий ёрдамга муҳтожлигини ўрганиш тизимли асосда қўйилган. – Бошқа ҳудудларда эҳтиёж ўрганилмаслигига ғувоҳ бўлдик. Масалан, Жиззах вилоятида жорий йил учун аҳолидан фақат 37 нафар бемор ихтисослашган травматологик-ортопедик ёрдамга муҳтож бўлса, биронта болага бундай ёрдамнинг кераги йўқ экан.



Бу вилоятда 2019 йилда болалар травматологиясига эҳтиёж 63 та деб белгиланган, лекин 120 та ордер ажратилган.

Кардиологик касалликлар билан оғриган беморлардан имтиёзли ордер масаласи бўйича кўплаб шикоят келишига қарамай, 2020 йил учун Жиззах вилоятида эҳтиёж 6 та, деб белгиланган. Худди шунингдек, урологик касалликлар ҳам ҳисобга олинмаган. Сирдарё вилоятида ҳам кардиологик ва урологик беморларнинг ҳисоби ҳамда стационар даволанишга муҳтожлиги ўрганилмаган. 2020 йилга эҳтиёж 2019 йилда ордер олмаган беморлар сонидан иборат қилиб белгиланган. Умумий аҳоли сони 3 миллиондан ортиқ бўлган Андижон ви-

лоятда ҳам имтиёзли даволашнига муҳтож бўлганларга етарли эътибор берилмаган.

Қўмита йиғилиши кизгин баҳслар билан ўтди. Депутатлар томонидан ихтисослаштирилган марказлар раҳбариятига тадбирга етарли тайёргарликсиз келганлари учун эътироз билдирилди.

Йиғилиш якунида аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда стационар даволашни учун ордерлар билан таъминланишни адолатли, коррупциядан холи шаклда ташкил этишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.
«Халқ сўзи» газетаси
муҳбири.

Матбуот анжумани

ИСТИҚБОЛДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

– Таълим тизимидаги энг оғриқли масалалардан бири илм-фан билан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамкорликнинг узилб қолаётгани ҳисобланади – дейди Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори Х. Юнусов. – Таълим тизимидаги ўзгаришлар, янгиликлар бошқа соҳалар қаторида бизда ҳам кластер асосида иш олиб боришни тақозо этмоқда. Биз ўз талаб ва дастурларимиз асосида мутахассис тайёрлаймиз, ишлаб чиқарувчилар, ҳўжалик бирлашмалари ҳам олдирларига қўйилган мақсад бўйича, кўпроқ манфаат кўриш учун ишлайди. Икки томон ўртасида ҳамкорлик, теярли кузатишмайди. Илмий ишлар қилинади, кичик ихтиролар пайдо бўлади, аммо уларнинг амалиётга жорий этилиши қийин кечади. Еки институтни битирган мутахассисларнинг барчаси ҳам ўз соҳаси бўйича ишлай олмайд. Биринчи билим бўлмаса, бошқаси амалиётдан беҳабар. Биз амалга оширмакчи бўлаётган таълим кластери ана шундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида ташкил этилмоқда. Бу тизим академик лицей, техникум, институт, илмий тадқиқот институтлари, чорвачилик комплекслари, фермер ва дехон ҳўжаликлари, қайта ишлаш корхоналарини ўз ичига олади.

Биз мақсад кластернинг асоси сифатида чорвачилик соҳаси учун кадр тайёрлар эканмиз, бунга аввало академик лицей, техникумда пойдевор кўямиз. Талаба ва ўқувчилар назария ва амалиётни уйғун олиб боради. Амалий машғулотлар, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари кластер иштирокчиси бўлган ҳўжалик ва корхонада бажарилади. Талаба эртага институтни битиргач, иш топишга қийналмайди. Уқиш давридаёқ келгуси-

да ишлаши мумкин бўлган корхона топиб бўлади. Корхона ҳам диплом кўтариб келган ҳар қандай кишини эмас, ўзи билган, синаб кўрган мутахассисни ишга қабул қилади. Илмий янгиликлар ҳам тажриба майдонларида ёки диссертацияларда қолиб кетмайди, бевосита амалиётда қўлланади.

Бу тизим самара беришига ишонамиз. Кластернинг бошқа иштирокчилари ҳам бундан умиддор. Ҳозирда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа шу каби ҳўжаликлар билан 21 дан ортик шартнома имзолаганмиз, шунингдек, илмий-амалий ҳамкорлик бўйича юздан ортик келишувимиз бор.

Оролбўйи минтақаси учун тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш йўлида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 14 февралда имзолаган "Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ушбу ҳудуд учун муҳим бўлган яна бир ҳужжат бўлди. Қабул қилинган янги қарор Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали негизда Қорақалпоғистон тиббиёт институти ташкил қилинди.

Янги қарорга кўра, Оролбўйи минтақаси учун тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудуд аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва кўламни ошириш, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, соҳадаги илгор ютуқ ва инновацияларни даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш мақсад қилинган. Шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали негизда Қорақалпоғистон тиббиёт институти ҳамда Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникаси ташкил қилинди.

– Ҳозирги кунда филиалда 7

та бакалаврият, 3 та магистратура ва 30 та ординатура мутахассисликлари бўйича 1825 нафар талаба таълим олмақда, – дейди институт ректори Орал Атаниязова. – Филиалнинг профессор-ўқитувчилар таркиби 158 нафарни ташкил қилади. Филиал бугунги кунда Оролбўйи минтақасининг тор доирадаги шифокорларга бўлган талабини қаноатлантириш имкониятига эга эмас. Қабул қилинган қарор ушбу бўшлиқни тўлдиршига хизмат қилади. Президентимиз ташаббуси билан филиал ҳузурида 2017 йилда қурилиши бошланган замонавий клиника шу йилда қуриб битказилди. Янгидан иш бошлайдиган клиника юқори сифатдаги тиббий ёрдам кўрсатиш учун шароитлар яратди. Клиника халқаро инновацион технологик клиника бўлиб, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург педиатрия тиббиёт университети билан ҳамкорликда очилмоқда. Бу ерда Россия ва Ўзбекистон стандартлари қўлланилади. Унинг таркибида 80 та ўринга мўлжалланган поликлиника, ўқув хоналари, 120 та ўринга мўлжалланган юқори технологик диагноз қўйиш ва даволаш усуллари қўлланиладиган стационар фаолият бошлайди. Клиника тиббиёт ускуналари билан таъминлаш учун JICA Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг 7,1 миллион АҚШ доллари миқдорига грант лойиҳасини жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ институтнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Улар қаторида, фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётдаги мавжуд муаммолар-



нинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи "Университет 3.0" концепциясини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси ҳам ўрин олган.

Таълим тизимида мавжуд "Университет 1.0" модели фақат таълим бериш билан чекланади. "Университет 2.0" – таълим бериш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришни ўз ичига олади. Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига асосан, мамлакатда босқичма-босқич жорий этилиши режалаштирилган "Университет 3.0" модели эса таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотларни тижоратлаштирувчи модель ҳисобланади.

Президентнинг "Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилида институтга қатор янги йўналишлар бўйича талабаларни қабул қилиш

режалаштирилмоқда. Асосан бакалавриатга халқ таъбири, клиника психология, биомедицина инженерлиги, магистратурага онкология, эндокринология, терапия йўналишлари киритилган бўлса, ординатурада эса аллергология ва клиник иммунология, нейрохирургия, нефрология бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади. Шунингдек, институт ва илмий тадқиқот ташкил қилинган клиниканинг ҳуқуқий статуси, молиялаштириш манбалари, фаолияти ва бошқа йўналишлари аниқ белгилаб қўйилди ҳамда институтнинг моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш назарда тутилмоқда.

Айни пайтда филиалда Россия ва Жанубий Корея давлатлари олийгоҳлари билан қўшма факультет ташкил қилинган. Келгусида Австриянинг Вена университети билан ҳам қўшма таълим дастурини жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Яна бир янгилик, Нукус давлат педагогика институти янги жойга кўчирилганлиги сабабли унинг эски биноси ТошПТИнинг Нукус филиали тасаруфига ўтказилган эди. Қорақалпоғистондаги ушбу илк олийгоҳ биноси реставрация қилиниб, келгусида илм-маърифат музейига айлантирилиши кутилмоқда.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

Таълим

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Эътироф билан айтиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз талаба ёшларининг билим олишлари учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда тиббиёт олийгоҳларининг педагог ва талабалари илмий салоҳият, шунингдек, билим ҳамда тажрибаларини бойитиш мақсадида янгича гоё ва тинимсиз изланишлар сари интилмоқдалар.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академиясида кўплаб иқтидорли талабаларимиз илм-фан йўлида иштиёқ билан билим олмақдалар. Шундай экан, талабаларнинг назарий ва амалий билимларини уйғунлаштириш мақсадида академиянинг тиббий профилактика факультети тиббий ва биологик кимё кафедрасида 202-203 гуруҳдаги тиббий профилактика факультети талабаларига "Малекуляр биология", "Мутациялар ва канцерогенез" мавзусида очик маъруза ўтказилди. Маъруза давомида талабаларга замонавий хорижий инновацион технологияларда ўқитиш усуллари Ассисмент тренинг усули (ФСМУ-технологияси, Медико технологияси, Синквейн, идрок харитаси кластер,) пед технология усулида тушунтиришлар берилди. Шунингдек, олиб борилган маъруза жараёнида харита асосда тақсимланган соатга риюя қилиниб, видео ролик эса хар бир режа асосида қўлланилди. Бунинг баробарида юқоридаги факультетнинг 205-гуруҳ тиббий педагогика факультети талабалари билан "Онкогенез" мавзусида очик дарс олиб борилди. Унда ҳам талабалар илк бор замонавий хорижий инновацион технологияларда ўқитиш усуллари, мультимедиа ва видео ролик асосида намунали очик дарсда фаол иштирок этдилар. Албатта, талабаларга дарс машғулотларини замонавий таълим стандартларига таянган ҳолда ўтказиш, уларнинг тиббий билимларини янада оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Нурхон МУҲАМЕДОВА,
Тошкент тиббиёт академиясининг тиббиёт
фанлари доктори, доцент.



Мулоҳаза мушоҳадага чорлайди

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА РИОЯ ҚИЛАСИЗМИ?

Халқимизда касални даволагандан кўра, олдини олган афзал, деган нақл бор. Дарҳақиқат, саломатликни сақлашда профилактика, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этиш муҳим ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йилгида ҳам касалликлар профилактикаси масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бошқарув идоралари ишини айнан шунга йўналтириш лозимлигини таъкидланди. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўғри овқатланиш ва пиёда юришнинг саломатликка фойдасини тарғиб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, миллатимиз генафондини сақлашда профилактика ва соғлом турмуш тарзининг ўрни алоҳида. Шундан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимли равишда мамлакатимиз бўйлаб оммавий саломатлик тадбирларининг уюшқоқлик билан ташкил этилиши аҳолининг соғлом турмуш тарзига қизиқишини оширмоқда.

Хўш, соғлом турмуш тарзи ҳақида соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик вакилларининг фикрлари қандай?

Бешта хавфдан эҳтиёт бўлинг

Гули ШАЙХОВА,
Тошкент тиббиёт академияси болалар ва ўсмирлар овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори:



– Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, узоқ умр кўриш сирлари борасида олимлар томонидан турли хил изланишлар олиб борилаётган. Натижаларга кўра, спорт билан шугулланиб, тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиб, фаол ҳаёт тарзини олиб борганлар тўғри овқатланиб, кам ҳаракат қиладиган инсонларга нисбатан тетик ва саломат бўлиши барчамизга кундек равшан. Фойдали одатлар, жумладан, жисмоний машқларни мунтазам бажариш ва соғлом овқатланиш инсон умрини ун йилга узайтириши мумкин.

Инсон соғлиги учун бешта асосий хавф бор. Улар: чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, ёғ ёки қандни кўп ейиш билан боғлиқ носоғлом овқатланиш, кам жисмоний фаоллик ва тана вазни индекси бўйича ҳисобланган ортиқча вазн.

Соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, узоқ умр кўраман дейдиганлар шу хавфлардан узоқда бўлгани яхши. Спорт билан шугулланишга мунтазам вақти йўқлар пиёда юриб ҳам организмга ёрдам бера олади. Бунинг учун жуда кўп энергия сарфлашнинг ҳожати йўқ, ижобий таъсири эса жуда юқори. Юриш организмнинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатади, мушакларни бақувват қилади, суяк тўқимасини мустаҳкамлайди, ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ривожлантиради.

Болани тўғри овқатлантириш зарур



Барно ОДИЛОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори:

– Соғлом онадан – соғлом бола деганларидек, аёллар она бўлмасиданоқ яъни, ҳомиладорлик пайтидан фойдали таомланишга амал қилиши шарт. Фарзандли бўлгандан кейин маълум муддат бола она сuti билан озиқланади. Сутдан ажратган оналар эрталаб фарзандини уйғотганда биринчи бўлиб ярим пиёла қайнаган сув ичиришдан нонуштани бошлаш керак.

Боланинг бир кунда истеъмолдаги овқати шу вақт ичида сарф этилган энергия ўрнини қоплаши ва ўсишни таъминлаши керак. Болаларни овқатлантиришда овқат таркибидаги махсусотлар нисбатини олиш керак. Умумий ўрта таълим мактабларида ва мактаб интернатларида биринчи сменадаги ўқувчиларга эрталабки нонушта 7.30 дан 8.00 гача бир кунлик овқатланиш меъърининг 25 фоизи, иккинчи нонушта соат 11-12 да 15-20 фоиз, мактабдан қайтгач тушлик 35 фоиз ҳамда кечки нонушта соат 19-20 ларда кунлик таомланишнинг қолган 20-25 фоизини ташкил этиши зарур.

Асабийлашмай десангиз, спорт билан шугулланинг

Даврон ФАЙЗИЕВ,
спорт шарҳловчиси:

– Соғлом турмуш тарзининг энг асосий омили унга риоя қилишдир. Спорт – инсоннинг руҳан ва жисмонан етук бўлишида катта аҳамият касб этади. Спорт билан мунтазам шугулланиш узоқ умр кўришнинг энг оддий йўлидир. Кўпчилик мендан спортнинг фойдаси ҳақида фикр сўрайди.

Уларга, энг аввало, спорт билан шугулланганларнинг организмни яхши чиниқади, мускуллари тез чарчамайди. Чиниққан одамнинг нерв-эндокрин, юрак қон-томир, нафас олиш ва бошқа ҳаётий муҳим аъзолари ҳамда тўқималарининг иш фаолияти ортади, деб жавоб қайтараман. Спорт машғулотлари одам танасидаги тўқималарнинг тез янгиланиши, унинг ёш, соғлом ва тетик сақланишига сабаб бўлади. Организмнинг юқумли касалликлардан ҳимояланиш имунитети кучаяди.

Хотирани кучайтиришнинг энг муҳим шарти асабларнинг соғлом бўлишидир. Бунинг учун эса бадантарбия билан шугулланиш лозим. Узимда энг сўнгги спорт жиҳозлари билан жиҳозланган спорт залларига бориб шугулланишга имконият бўлса-да, ҳар кунги "Япон боғи"да спорт билан шугулланаман. Очiq ҳавода спорт билан шугулланиб, ўпкаларимни тўлдириб нафас оламан. Бу машғулотлар менга кун бўйи тетик юришимда ёрдам беради.



60 ёшдан кейин иккинчи ҳаёт бошланиши

Ситора ФАРМОНОВА,
актриса:

– Яқинда машҳур ток-шоуга ҳакам сифатида қақаришди. Саҳнада 60-70 ёш оралигидаги аёллар турли трюклар бажаришганини кўриб ҳайрон қолдим. Уларнинг худди ёш қизлардек ҳаракатланганини кўриб ҳайратимни яширолмай бунинг сабабини сўрадим. Айтишларича, улар 60 ёшни қариллик эмас, балки иккинчи ҳаёт босқичи, деб қабул қилиб янгидан ҳаёт бошлар экан. Битта маҳалланинг аёллари спорт билан ҳар кун тонгдан туриб шугулланиш учун кичик гуруҳ тузишди. Гуруҳда 40 дан ортиқ аёллар жам бўлишиб, эрталабки жисмоний машқлардан кейин табиат қўйнида мевалар билан нонушта қилишар экан. Аёлларнинг ғайратига, ҳаракатчанлигига қойил қолдим.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, жисмоний фаоллик натижасида организмда биосинтез жараёни фаоллашади, қон айланиш жараёни 4-5 марта кучаяди, юрак қисқаришлари сони тезлашади, бу эса организмда янги энергия ҳосил бўлишига ва энергия билан таъминланиш яхшиланишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтишдан бўлмас, ҳаракатда гап кўп. Айниқса, ёши катта инсонларимиз соғлом турмуш тарзига риоя қилган ҳолда кўпроқ ҳаракатда бўлгани афзал.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.



Таҷриба, маҳорат ва амалиёт

Навоий вилояти

БИРИНЧИ БОР БУЙРАК КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИЛДИ

Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида илк бор буйрак кўчириб ўтказиш операцияси амалга оширилди.

Ушбу операциянинг аҳамияти унинг мураккаблигидангина эмас, айни пайтда унинг мамлакатимиз тиббиётида ҳам амалга оширилаётганлигидан. Бугунга қадар эса ушбу операция хорижда, катта маблағ эвазига амалга оширилиб, буйрак етишмовчилигидан азият чекаётган каттадан-катта беморларни дард билан бирга умидсизлик ҳам емириб борарди. Биргина Навоий вилояти мисолида олсак, бугунги кунда 75 нафар бемор сурункали буйрак етишмовчилиги сабабли режали гемодиализ сеансини олиб, тиббий нуқтага назардан уларнинг барчаси буйрак кўчириб ўтказишга муҳтож.

– Ҳали Сирожиддиннинг кўз ўнгимда гулдай сўниб бораётганлигига қан-

дай чидайман, – дейди 49 ёшли Дилорам Шобердиева. – Она сифатида битта эмас, икки буйрагимни ҳам беришга тайёр эдим. Қарор билан ушбу операцияга расман рухсат этилиши қанчадан-қанча онага, оилага қувонч келтирганини бир тасаввур қилиб кўринг.

Мазкур операцияга беморлар Марказ бош врач М. Аҳмедов раҳбарлигида уролог-трансплантолог А. Шодиев, қонтомир жарроҳи А. Сафаров, нефролог Ш. Мухаммадиевдан иборат шифокорлар бригадаси томонидан тайёрланиб, жарроҳлик амалиёти академик В. Вохидов номдаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг етук трансплантолог мутахассис-

лари профессор Фазлиддин Бахриддинов ва илмий ходимлар Зоҳиджон Матқаримов, Ильяс Абляимов, Азамат Суёмов билан биргаликда муваффақиятли амалга оширилди.

– Вилоят ҳокимлиги кўмаги билан марказимизда буйрак кўчириб ўтказиш операцияси учун барча имконият ва шарт шартлар яратилди, – дейди марказ директори ўринбосари Рустам Ҳамроев. – Хусусан, бир гуруҳ мутахассисларининг соҳа йўналиши бўйича чет эл клиникаларида малака тоифаси оширилди ҳамда тиббиёт марказида ушбу мураккаб операцияларни ўтказиш учун кўшимча ўрин жойлар яратилди ҳамда шунга мос равишда моддий техник база янада такомиллаштирилди.

Эндилликда бу жараён янада ривожлантирилиб, бу каби мураккаб теҳнологик операцияларни ўтказиш нафақат вилоят балки қўшни худудларда ҳам эҳтиёжманд беморлар дардига малҳам бўлиши шубҳасиз.

Темур ЭШБОВЕВ.



Медицина на селе

ДОБРОТА И ОТЗЫВЧИВОСТЬ

Для того чтобы посвятить жизнь детям, требуются колоссальная выдержка, терпение, энтузиазм и бесконечная любовь к самым маленьким.

Именно этими благородными качествами обладает опытный педиатр из Чиназского района Ташкентской области Нигора Мухаммадиева. После окончания Ташкентского педиатрического медицинского института эта скромная и трудолюбивая женщина не один год проработала педиатром в Центральной больнице города Янгйюля, преподавала в Янгйюльском медицинском колледже. Вылечила сотни детей за годы плодотворной работы в сельском врачебном пункте "Пахта".

В нашей стране врачи наблюдают юных граждан от первого дня жизни, — рассказывает Нигора Мухаммадиева. По сути, детский врач — это специалист широкого профиля. К нему обращаются родители с детьми, страдающими любыми недомоганиями и нарушениями. Только после тщательного осмотра доктор делает предварительное заключение и направляет пациента к узкому специалисту. Это означает, что врач-педиатр должен обладать обширными знаниями, чтобы уметь распознавать симптомы самых разных заболеваний. Стоит особо отметить, что опытный врач уделяет немало времени вопросам сохранения ин-

ститута семьи, защиты законных прав и интересов женщин. Только в прошедшем году совместно с хокимиятом Чиназского района, а также рядом общественных организаций было выявлено 180 женщин, нуждающихся в улучшении жилищных условий, 88 — в ремонте собственного жилья, 574 представительниц прекрасного пола обратились за помощью в трудоустройстве. Благодаря целеустремленности и активности Нигоры Мухаммадиевой более 630 проблем нашли свое положительное решение. Добавим, что за 2017 — 2019 годы 13 женщин обеспечены бесплатным жильем, 70 женщинам предоставлены средства из бюджета для уплаты первоначальных взносов за жилье.

Только в 2019 году при непосредственном участии врача-педиатра 45 женщин на бесплатной основе прошли курс лечения, 18 — получили инвалидные коляски, 10 — ортопедические и слуховые аппараты, 56 безработных и нуждающихся в социальной поддержке женщин трудоустроены на предприятиях и фермерских хозяйствах района.

По инициативе Чиназского районного центра по содействию занятости, коммерческих банков и руководителей территориаль-

ных секторов в прошлом году проведены свыше десяти семинаров и ярмарок труда. Эти мероприятия дали возможность обеспечить занятость сотен женщин. Около 500 представительниц слабого пола получили направления на работу.

А в рамках программы "Каждая семья — предприниматель" 245 женщинам предоставлено льготных кредитов в размере трех миллиардов 809 миллионов сумов. Сегодня 145 человек успешно занимаются собственным бизнесом, обеспечивая благополучие и достаток в семьях. Это еще не все. Так, за счет средств Общественного фонда поддержки женщин и семьи 21 женщине на открытие бизнеса выделены значительные льготные кредиты, что позволило создать 76 новых рабочих мест.

Всего в личных подсобных хозяйствах района трудятся 500 женщин, а в фермерских хозяйствах этот показатель составляет 465.

В партнерстве с Ассоциацией "Узбекилаксаноат" более 1300 жительницы района вовлечены в занятии шелководством. Среди них имеются одинокие и воспитывающие детей с ограниченными физическими возможностями мамы.

Нигора Мухаммадиева уже не один год прилагает усилия для открытия СВП в махалле "Амир Темур", где проживают около пяти тысяч человек. Для полу-



чения первичной медико-социальной помощи эти люди вынуждены ездить за тридевять земель.

За проявленную заботу и внимание о женщинах и детях, повсеместное соблюдение принципов справедливости люди искренне поверили Нигоре Мухаммадиевой, избрав ее депутатом Чиназского районного Кенгаша от СДП Узбекистана "Адолат".

Только в нынешнем году народная избранница приняла участие сразу в нескольких семинарах и "круглых столах", посвященных предотвращению разводов в сходах граждан "Ялама", "Кутарма", "Бирлик". В них приняли участие представители хо-

кимията, работники центра занятости, сферы образования, инспекторы профилактики. Это способствовало сохранению трех семей. Это — Рустам и Гулжахан Шодмонов из махалли Янгйюль, Умид и Хилола Эргашевы из махалли Сарбозор, Дилшод Махкамов и Саодат Эгамбердиева из махалли Кутарма. Сделать это Нигоре Мухаммадиевой удалось потому, что она сама является достойным примером для подражания, образцовой матерью и любящей женой. Вместе с супругом Сайфиддином Мухаммадиевым сумела успешно воспитать двоих сыновей и дочь.

Хамидулло УБАЙДУЛЛАЕВ.
Фото автора.

Тиббий кўрик

САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ



Куни кеча, Шайхонтохур туманининг "Хадра" маҳалласида халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни олдини олиш ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида "Соғ танда — соғлом ақл!" шiori остида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди. Мазкур тадбир Шайхонтохур тумани 48-оилавий поликлиниканинг тиббиёт ходимлари, Тошкент врачлар малакасини оши-

риш институти умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш кафедрасининг касб касалликлари курси билан илмий ходимлари, жумладан, профессор Марғуба Расуллова, доцентлар Роҳатой Нурмухамедова ва Дилфуза Ҳасановалар иштирокида самарали олиб берилди. Тиббий кўриқда тор соҳа мутахассислари, кардиолог, невропатолог, ЛОР, гинеколог, терапевт, стоматологлар томонидан тиббий профилактик маслаҳат ҳамда лаборатор инст-

румента, ЭКГ текширувлар ўтказилди. Ҳар бир беморнинг тана вазни ва бўйи ўлчанди, тана вазни индекси аниқланиб бемор шахсий варақасига қайд этилди. Ташриф бу юрган аҳолига "Саломатлик майдончаси" намунасида соғлом овқатланиш қоидалари, зарарли одатлардан воз кечиш, жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш тўғрисида тушунчалар берилди. Кўриқда 148 нафар аҳоли қатнашди, шулардан 73 нафари қариялар, 49 нафари

туғриқ ёшдаги аёллар ва 26 нафар болалар иштирок этди. Тадбир давомида 4 нафар беморда касаллик аниқланиб стационар даво, 15 нафар фуқарога поликлиникада мавжуд бўлган кундузги шифохонада даволаниш, 12 нафар болаларга стоматолог томонидан кўрик ўтказилиб тилларни даволаш тавсия этилди. Шунингдек, юридик лицей ўқувчилари орасида зарарли одатларни организмга таъсири, чилим, тамаки ва гиёҳванд моддаларнинг салбий

оқибатлари тўғрисида маълумотлар берилди. Шу билан бирга, тўғри овқатланиш қоидалари, соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаоллик инсон саломатлигини мустақамлашда асосий омил эканлиги тўғрисида мутахассислар томонидан қўмлатли маслаҳатлар тавсия қилинди.

Мамура ЗАХИДОВА,
Тошкент шаҳар
Шайхонтохур тумани
48-оилавий поликлиника
бош шифокори.

Новости науки

СОЗАН ТЕСТ, ПОДСКАЗЫВАЮЩИЙ ПОДХОДЯЩИЙ АНТИБИОТИК ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ БОЛЕЗНИ

Как правило, лечение вызванных болезнетворными бактериями инфекционных заболеваний, занимает довольно много времени.

Сначала докторам необходимо взять у пациента анализы крови или мочи, а затем проверить, какими именно микроорганизмами вызвано заболевание. Только после этого лечащий врач может прописать антибиотики, которые должны помочь, но чаще всего людям назначаются лекарства широкого спектра действия. Они не настолько эффективны, как нацеленные на определенные бак-

терии средства, а также негативно влияют на способность организма противостоять бактериям в будущем. Было бы классно, если в распоряжении врачей имелся недорогой тест, который может быстро выявить наличие бактерий в анализах крови или мочи человека и показать, какой именно антибиотик ускорит лечение. А такой тест уже есть и создан сотрудниками Саутгемптонского университета (Англия).

О необычном тесте, разработанном британскими учеными, было рассказано в научном издании New Atlas. Он состоит из трех слоев, у каждого из которых есть свое предназначение. Верхний слой визуально разделен на четыре части, каждая из которых пропитана четырьмя часто используемыми видами антибиотиков. Средним слоем является впитывающая жидкости бумага. Нижний слой, в свою очередь, состоит из геля с благоприятными условиями для роста и развития бактерий. Весь тест запечатан в пласти-

вый футляр, который защищает его от внешних воздействий.

По словам исследователей, пользоваться созданным им тестом очень просто, а точность разработанного метода оказалась не ниже, чем у стандартных способов подбора антибиотиков. Но преимущество нового метода состоит в том, что такие тесты стоят недорого, просты в использовании и быстрее выдают результат.

Благодаря новому медицинскому изобретению, изучение анализов пациентов может заметно ускориться. Начать лече-

ние можно будет на несколько дней раньше, причем без употребления антибиотиков широкого спектра действия, о вреде которых упоминалось в начале статьи. К тому же, новый тест может сократить количество случаев, когда по ошибке назначаются пациентам антибиотики, хотя они им и не нужны. В долгосрочной перспективе это медицинское новшество может снизить скорость обретения бактериями устойчивости к антибиотикам.

Hi-News.ru

Хамкорлик

РЕКТОР ВА ЁШЛАР
УЧРАШУВИ
ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети ректорлари билан "Ректор ва ёшлар" учрашуви ташкил қилинди.

Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор, ўсиб келаётган баркамол авлодга бўлган ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Ёшлар учун қаратилган эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш даражаси кун сайин ортиб бораётгани ўғил-қизлар учун қўллаб имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Зеро ёшлар ватан келажаги, эртанги куннинг бунёдкорларидирлар. 2020 йил 20 февраль куни Тошкент педиатрия тиббиёт институтида Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, профессор Б. Давинов ва Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети ректори, профессор Д. Иванов ва Халқаро факультетда тахсил олаётган талабалар ўртасида "Ректор ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашув Тошкент педиатрия тиббиёт институти Халқаро факультети ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариш, ёшлар билан янада яқин бўлиш, улар ичига кириб бориш, уларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида ташкил этилди. Учрашув доирасида Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети ректори, профессор Д. Иванов раҳбарлик қилаётган тиббиёт олий таълим муассасаси фаолияти, ундаги таълим жараёни, илмий йўналишлари ва талабалар ҳаёти тўғрисида 3 йилдан сўнг ушбу университет талабалари бўладиган ёшларга тақдимот орқали маълумот берди.

Тақдимотдан сўнг ректорлар ва талабалар ўртасида очик мулоқот бўлиб ўтди. Очик мулоқот давомида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар, мавжуд муаммолар, ва тақлифлари билан раҳбарларга бевосита муносабат этидилар. Дўстона ўтган учрашувга йиғилган талабалар ўзларининг фикр-мулоҳазалари, ютуқлари ва келажақдаги режалари ҳақида гапирдилар. Ўз навбатида икки етакчи тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ҳам ўзининг талабалар йилларидан воқеалар билан ёшлар билан ўртоқлашдилар.

Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар эришаётган ютуқлари, ўзларини қийнаётган турли муаммо ва масалалар юзасидан эркин фикр билдиришди.

Ў.А.

Акция

ЭЗГУЛИК АЛБАТТА ҚАЙТАДИ

Мақоламизнинг номини бежизга "Эзгулик албатта қайтади" дея номламадик. Халқимиз орасида шундай инсонлар борки, улар ўзининг саховати билан одамлар қолаверса, бемор қалбларга наҳот бахш этиб, эл дуосини оладилар. Ана шундай эзгуликка қаратилган акция жорий йилнинг 18-20 февраль кунлари Республика қон қуйиш маркази ва Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилди.

Билъ гуруҳлар ёрдамида 548 нафар донордан қон тайёрланди. Албатта, бундай ҳамжихатлик замирида инсонлар салоҳиятига бўлган қатъий эътибор ва ғамхўрлик ётганини кўрамоқчи. Мутахассис сифатида айтмоқчи-манки, ушбу акцияда ўз ихтиё-



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематология ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, аҳоли орасида бегараз донорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгаши билан ҳамкорликда республикамизнинг барча ҳудудларида 18-20 февраль кунлари "Эзгулик албатта қайтади" ширини остида донорлик акциялари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда, Мудофаа вазирлигидан – 984 нафар, Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан — 388 нафар, Миллий гвардиядан – 277 нафар, Ички ишлар вазирлигидан – 76 нафар ходим, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқидан – 163 нафар, Олий ўқув юрталаридан – 58 нафар ва бошқа



ташкilotлардан – 8 нафар ёшлар иттифоқи фаоллари қатнашдилар. Ушбу акцияда республика миқёсида 1954 нафар фуқаролар қон топширди. Шундан Республика қон қуйиш марказида стационар ҳолда ва мо-

ри билан қон топширган ёшларимизни кўриб, улардаги шижоат ва матонат, қолаверса, инсонийлик фазилатлари кучимиз бирликда эканлигини кўрсата олди десам хато бўлмайди.

Шу ўринда, марказимиз маъмурияти ва қон билан ишлаш хизмати ходимлари номидан акция қатнашчиларига самимий ташаккуримизни билдирамоқчи. Бу каби, эзгу тадбиримиз бардавонлиги ўз қимматини йўқотмаслигига ишончим комил.

Аълонур САИДОВ,
Республика қон қуйиш маркази директори.



ОНКОПАТРОНАЖ ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали мутахассислари томонидан белгиланган жадвал асосида айни пайтгача Қарши шаҳри, Нишон, Қарши ва Косон туманларида онкопатронаж ҳафталиги тадбирлари ташкил этилди.

Ҳафталик тадбирлари доирасида ҳудудлардаги кишлоқ оилавий поликлиникалари ва кишлоқ врачлик пунктларида онкологик касалликлар билан "Д" назоратида турган беморларнинг патронаж кўриги ва онкоэҳтиёткорлик текширувлари ўтказилди. Онкопатронаж ҳафталиклари жорий йилнинг февраль – апрель

ойларида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилиши режалаштирилган.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрса-

тишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори саратон касалликларига қарши курашнинг янги босқичини бошлаб берди. Қарор аввало аҳолини даволашнинг юқори технологик усулларига бўлган эҳтиёжларини қоплашга, онкологик касалликларни олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг замонавий тизимини яратишга йўналтирилган.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар қўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1645 нусха.
Буюртма Г-250.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ, Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.